

ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
БОШ КЕНГАШ

О'zbekiston
KASABA UYUSHMALARI
FEDERATSIYASI
BOSH KENGASH

ҚАРОРИ
QARORI
Тошкент ш.
Toshkent sh.

2024 йил 27 январь

№ VII-3

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгашиning янги таҳрирдаги Низоми ва кенгаш таркибини тасдиқлаш түғрисида

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигига мамлакатимизда оиласарни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ва бандлигини ошириш, тадбиркорлик кўнижаларини шакллантириш, гендер тенглигини таъминлаш, ижтимоий-иктисодий манфаатлари ва хукуқлари ҳимоясини кучайтириш, муносаб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш, саломатлигини мустаҳкамлаш каби йўналишларда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди ва ҳозирги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Хотин-қизларнинг раҳбар лавозимлардаги улуши **35 фоизга** етди, 2022-2023 йиллар давомида **398 минг нафар хотин-қизларнинг** бандлиги таъминланди, аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида биргина 2023 йилда **225 мингдан** зиёд лойихаларга **4,4 триллион сўмга яқин кредит**, **40 мингга яқин хотин-қизларга жами 179,1 миллиард сўм субсидия ажратилди**.

2020 йилдан йўлга қўйилган, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси К.Рафиков раҳбарлик килиб келаётган “Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-куvvatлаш бўйича республика комиссияси” масъуллигидаги “Аёллар дафтари” тизими орқали қарийб **2,5 миллиондан ортиқ хотин-қизларга** ижтимоий-иктисодий, тиббий, хукукий ва писихологик кўмаклар берилди ва бу мақсадлар учун **5,1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди**.

Янги Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган юқоридаги ислохотларда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг фаол иштирокини йўлга қўйиши, тизимдаги **34 минг 630** та бошланғич ташилотлардаги **6 миллиондан** зиёд касаба уюшма аъзоларнинг салкам **49 фоизини** хотин-қизлар ташкил этишини эътиборга олган холда **барча бўғиндаги касаба уюшмалари ташкилотларининг хотин-қизлар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятини** янада такомиллаштириш ва кучайтириш максадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши қарор қиласди:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси “Хотин-қизлар кенгашиning янги таҳрирдаги Низоми” 1-иловага, Хотин-қизлар кенгашиning таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон соғлиқни саклаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Тоҳтаева Гузаль Кашибовна Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши раиси этиб сайланганлиги инобатга олинсин.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хотин-қизлар кенгаши
(Г.Тохтаева):

- Кенгаш фаолиятини мазкур карорнинг 1-иловаси билан тасдикланган Низом асосида юритилишини;
- барча бўғиндаги Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятини йўлга кўйиш ва олиб борилишида яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб боришни тизимли йўлга кўйилишини;
- хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий манфаатлари ва хукукларини ҳимоя қилишдаги Кенгаш фаолияти тўғрисида Федерация Бош кенгаши ҳамда Ижроия кўмитасига ахборот бериб борилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2012 йил 27 июль “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Хотин-қизлар кенгашини ташкил этиш тўғрисида”ги 5-3-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари А.Абдумухторов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси


К.Рафиков

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Бош кенгашининг
2024 йил “27 январ” даги
VII-3-сонли қарорига І-илова

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши

НИЗОМИ

- I. Умумий қоидалар
- II. Кенгашнинг асосий вазифалари
- III. Кенгашнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари
- IV. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши (кейинги ўринларда “Кенгаш” деб аталади) мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилот, муассасаларда имзоланадиган жамоа шартномаларига хотин-қизларга хавфсиз меҳнат, дам олиш шароитлари яратиб берилиши, меҳнатига муносиб ҳақ тўланиши, кўшимча имтиёзлар берилиши, ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларда иштирок этиш учун имкониятларини кенгайтирилиши масалалари киритилишига эришиш ва уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда Касаба уюшмалари Федерациясининг иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

1.2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларнинг тазиик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлари, БМТнинг “Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави, Федерация қурултойлари, Федерация Бош кенгаши (кейинги ўринларда – Бош кенгаш) ва Ижроия қўмитаси (кейинги ўринларда – Ижроия қўмита) карорларига ҳамда мазкур Низомга амал қиласди.

1.3. Кенгаш Низомини тасдиқлаш, шунингдек Кенгаш таркибини, раис ва раис ўринбосарини, масъул котибини сайлаш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгаши қарори билан амалга оширилади.

Бош кенгаш мажлислари оралиғида Кенгаш Низоми ва таркиби (кўпи билан таркибнинг 30 фоиздан ошмаган кисмини, жумладан Кенгаш раиси ва раис ўринбосарини, котибини алмаштириш) ўзгартишлар киритиш Федерация Ижроия қўмитаси томонидан амалга оширилиши мумкин.

1.4. Кенгаш жамоатчилик асосида иш юритади ҳамда ўз фаолияти юзасидан Бош кенгаш ва Ижроия қўмита олдида ҳисбот беради.

1.5. Тармоқ касаба уюшмалари Республика, худудий (Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман, шаҳар кенгашларида (бўлинмаларида), Федерациянинг худудий Кенгашларида, барча бошлангич касаба уюшма ташкилотларида Хотин-қизлар комиссиялари тузилади ва улар тўғрисидаги Низомлар тегишли касаба уюшмаси органи томонидан тасдикланади.

II. Кенгашнинг асосий вазифалари

2.1. Жамоа шартномалари ва келишувларини гендер экспертизадан ўтказиш, жамоа шартномалари ва келишувларига хотин-қизлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятларини ва уларга имтиёзлар берилишини назарда тутувчи меъёрлар киритилишига эришиш ва улар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

2.2. Конунлар, меъёрий хужжатлар, жамоа келишувлари ва шартномалари асосида хотин-қизларга берилган кафолат ва имтиёзларнинг амалдаги ижросини назорат қилиш.

2.3. Корхона, ташкилот ва муассасаларда аёллар гигиена хоналарини ташкил этиш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

2.4. Хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга каратилган конунлар ижросини ўрганиш ва конунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

2.5. Хотин-қизларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан таклифларни тайёрлаш ҳамда тегишли мутасадди ташкилотларга киритиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга кўмаклашиш.

2.6. Ҳомиладор аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўланиши устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш.

2.7. Хотин-қизларга меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, иш билан таъминланиш ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларида, нисбатан кўпроқ иш ҳақи тўланадиган, масъулиятли ишларда фаолият кўрсатишлари учун яратилаётган имкониятларни янада кенгайтиришга кўмаклашиш.

2.8. Хотин-қизларнинг, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида барпо этилаётган янги иш ўринларида меҳнат қилаётган тадбиркор аёлларнинг ижтимоий-иктисодий ва ҳукуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратилишида кўмаклашиш.

2.9. Жойларда хотин-қизларнинг ҳукуқий маданиятини ва саводхонлигини ошириб бориш ишларида иштирок этиш.

2.10. Хотин-қизларнинг оила ва ижтимоий ҳаётда муносиб ўринга эга бўлишлари, фарзанд тарбияси ва ҳаётимизнинг турли жабҳаларидаги фаолиятларини бир-бирига уйғун холда олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашиш.

2.11. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган хотин-қизларнинг, хусусан, кам таъминланган, кўп болали, бокувчисини йўқотган, ногирон аёлларнинг ижтимоий-

иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини кучайтиришда, шунингдек, жазони ўташ жойларидан қайтган аёлларнинг жамиятда ўз ўринларини топишларида кўмаклашиш.

2.12. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг бузилишига доир мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларни тиклаш бўйича чоралар кўришда иштирок этиш.

2.13. Мулк шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларда хотин-қизлар учун квоталанган иш ўринлари бўлиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

2.14. Иш берувчилар томонидан хотин-қизларнинг сиҳатгоҳларда соғломлаштирилиши масалаларига эътиборни кучайтирилишига эришиш.

2.15. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этилишга кўмаклашиш, оиласидаги ижтимоий-маънавий мухитини яхшилаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини, ҳуқукий, маънавий, интеллектуал билимларини ошириш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишида иштирок этиш.

2.16. Хотин-қизларнинг жамиятдаги, меҳнат жамоасидаги ўрни мустаҳкамланишига, жамиятда рўй бераётган мухим янгиланиш ва ўзгаришларда фаол иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилишига эришиш.

2.17. Хотин-қизларда миллий ва маънавий қадриятларга садоқат ҳиссини ривожлантириш, уларнинг маданий-маърифий ва маънавий савияларини юксалтириш, аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга кўмаклашиш.

2.18. Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кенгашлари кошидаги Хотин-қизлар комиссиялари фаолиятини мувофикаштириб ва йўналтириб бориш.

2.19. Кенгаш номига хотин-қизлардан келган хат, ариза ва шикоятларни ваколатлари доирасида ўз вақтида кўриб чиқиш ва таҳлил этиб бориш.

2.20. Кенгашнинг вазифалари қўйидагилар орқали амалга оширилади:

иш жойларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси таъминланиши, жамоа келишувлари ва шартномаларида улар учун белгиланган имтиёзлар тўлиқ берилиши устидан танлов асосида мониторинг ўтказиш;

худудларда касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ишчи гурухлар таркибига Хотин-қизлар кенгashi вакилларини киритиш юзасидан таклифлар бериш, ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш жараённада тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш ва аъзо ташкилотларга тегишли тавсияларни йўллаш;

касаба уюшмалари органларидан олинаётган маълумот, ахборотларни таҳлил қилиб бориш, таҳлиллар асосида Баш кенгаш ва Ижроия қўмитага таклифларни киритиши;

аъзо ва тизимдаги ташкилотларнинг Хотин-қизлар комиссиялари фаолиятида фойдаланишлари учун услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш;

аъзо ва тизимдаги ташкилотлар, мутасадди идоралар билан ҳамкорликда жойларда ўкув-семинарларни ташкил этиши;

хотин-қизлар манфаатларига оид Конунлар, уларга ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ҳукумат қарорларини мунтазам таҳлил қилиб бориш, амалиётта татбиқ этиш юзасидан Баш кенгаш, Ижроия қўмитага таклифларни киритиши;

хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи давлат, нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ахборот алмашиш, ҳамкорликда тадбирлар ташкил этиши;

халқаро касаба уюшмалари ташкилотларининг хотин-қизлар манфаатларини ифода этиши йўналишидаги фаолиятларини ўрганиш, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик қилиши.

III. Кенгашнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

3.1. Иш жойларида хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий ва ҳукукий манфаатлари ҳимояси таъминланишини ўрганиш, Кенгаш мажлисларида кўриб бориш, касаба уюшма ва хўжалик органларидан, Федерация аппаратининг бўлимларидан кўрилаётган масалаларга оид маълумотларни олиш.

3.2. Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиш, камчиликларни бартараф этиши юзасидан касаба уюшмалари органларига тавсияларни йўллаш;

3.3. Кенгаш мажлисларига, зарур ҳолда, кўрилаётган масала бўйича касаба уюшмалари органлари раҳбарларини таклиф этиши.

3.4. Кенгаш томонидан жойларда хотин-қизлар манфаатига оид масалаларни ўрганишга Федерация аппаратининг масъул ходимларини жалб этиши юзасидан Федерация раисига таклифларни киритиши.

3.5. Жамоа шартномалари ва келишувларини тайёрлаш ҳамда назоратини олиб бориш, уларни экспертизадан ўтказиши бўйича комиссиялар таркибига Кенгаш аъзоларини киритиши юзасидан тегишли касаба уюшма органи раҳбарига таклифларни йўллаш.

3.6. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ва тизимдаги ташкилотларнинг Хотин-қизлар комиссиялари ишини ва улар фаолиятида юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиб бориш ва зарур ҳолларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Баш кенгashi ва Ижроия қўмитасига бу борадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши ҳамда тегишли қарорлар лойихаларининг тайёрланишида иштирок этиши.

3.7. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, тизимда Кенгаш фаолиятига оид амалда бўлган идоравий меъёрий хужжатлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси уставига риоя этишга мажбур.

IV. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

4.1. Кенгаш мажлислари заруратга караб, лекин бир йилда камида бир маротаба ўтказилади.

4.2. Кенгаш қарорлари очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кенгаш мажлисида аъзоларнинг 2/3 қисми иштирок этганда хуқукли, қарорлар мажлис катнашчиларининг ярмидан кўпроғи кўллаб овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

4.3. Кенгаш ўзи тасдиклаган иш режаси асосида иш олиб боради.

4.4. Кенгаш фаолиятининг молиявий таъминоти Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган маблағлар доирасида белгиланади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Бош кенгашининг
2024 йил “27 аввэр даги
VII-3-сонли қарорига 2-илова

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
Хотин-қизлар кенгаши таркиби**

1.	Тохтаева Гўзал Кашибовна	-	Ўзбекистон соғлиқни саклаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари, Хотин-қизлар кенгаши раиси
2.	Акбарова Фарида Шораҳимовна	-	Бўстон санаторийси раҳбари, Хотин-қизлар кенгаши раиси ўринбосари
3.	Рахманова Эътиборхон Абдурауфовна	-	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси, Хотин-қизлар кенгаши котиби
4.	Гаибназарова Нодира Баҳодиржоновна	-	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Мехнатни муҳофаза килиш бўлими мудири
5.	Ҳакимова Гавҳар Рўзиевна	-	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Умумий бўлим мудири
6.	Набиева Ирода Эркиновна	-	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Даволаш профилактика маркази бош шифокори
7.	Тоғаева Назира Маманазаровна	-	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти Кенгаши раиси
8.	Курбанбаева Гулсара Ахмедовна	-	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти Кенгаши раиси
9.	Алимджанова Нигора Адҳамовна	-	Ўзбекистон кимё ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси
10.	Қозихонова Орзигул Мўйдиновна	-	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти Кенгаши раиси ўринбосари
11.	Акромова Адолат Аслоновна	-	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти Кенгаши раиси ўринбосари
12.	Ильмурадова Гулнора Рейпназаровна	-	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири
13.	Кадирова Муяссар Джумаевна	-	Ўзбекистон соғлиқни саклаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси
14.	Бегимқулова Шоҳида Базарбаевна	-	Ўзбекистон агросаноат мажмуйи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши аппаратининг бўлим мудири
15.	Скопина Лариса Станиславовна	-	“Uzbekistan airways techniks” авиакорхонаси касаба уюшмаси кўмитаси раиси
16.	Турикова Лазокат Машрабовна	-	Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши аппаратининг бош мутахассиси